

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Ш.Каримов, О.Ахмаджонова	6
Бессель оператори қатнашган иккинчи тартибли оддий дифференциал тенгламаларнинг фундаментал ечимлари ҳақида	
Н.Икрамова, Э.Турсунова	12
Тўртинчи тартибли тўла дифференциалли оддий дифференциал тенгламаларнинг бир синфи ҳақида .I.	
М.Жалилов, Г.Каюмова	18
Капута оператори қатнашган тўртинчи тартибли аралаш типдаги тенглама учун бир нолокал масала тўғрисида.....	
	КИМЁ

А.Ибрагимов, В.Хўжаев, У.Умархонова, Д.Тожибоев, М.Исақов	24
Vigna sinensis, cicer orientinum, phaselousayreus, arachhis hypogaea дуккакли ўсимликларни кимёвий таркибига кўра синфлаш масалалари	
М.Қодирхонов, Т.Сайпиев, С.Рашидова	30
NA-карбоксиметилцеллюлоза эритмасининг юқори ҳарорат ва юқори тузли шароитдаги реологияси	
	БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

П.Турдалиева, О.Ахмедова	34
Фарғона водийсининг доривор ўсимликлари – макро - ва микроэлементлар манбаи	
М.Шерматов, С.Умаров	38
Фарғона водийсида анжир парвонаси (Lepidoptera choreutidae) нинг тарқалиши ва ривожланиши.....	

М.Адхамов	43
Рақамли иқтисодиёт шароитида таълим: муаммолар ва самарадорлик	
	ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Г.Закирова	46
Ўзбекистон матбуоти ва унинг интернет-сайтларида хотин-қизларга нисбатан зўравонлик мавзусига ёндашув.....	
А.Қамбаров, О.Махмудов	52
XIX аср охири – XX аср бошларида жадид ҳурфикрлигида эркинлик ғояси	
Ш.Аббосова	57
Глобаллашув жараёнлари ва миссионерлик ҳаракати	
М.Ғоипов	62
Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари	
Ж.Боқиев	69
Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида вояга етмаганларнинг жавобгарлиги.....	
	ТАРИХ

И.Кузикулов	73
Фарғонада пахта навларини янгилаш билан боғлиқ масалалар ҳақида (XIX аср охири – XX аср бошлари)	
Д.Абдуллаев	77
Хайрия ва ҳомийлик фаолияти: Ўзбекистон ва жаҳон мамлакатлари ҳамкорлиги мисолида	

УДК:05/07:396.004(575.1)

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ ВА УНИНГ ИНТЕРНЕТ-САЙТЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА
НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК МАВЗУСИГА ЁНДАШУВПРЕССА УЗБЕКИСТАНА И ПОДХОД К ТЕМЕ ЖЕНСКОГО НАСИМЯ В ЕЁ ИНТЕРНЕТ -
САЙТАХAND THE ISSUE OF VIOLENCE AGAINST WOMEN AND GIRLS IN PRESS OF
UZBEKISTAN AND ITS INTERNET-SITES

Г.Закирова

Аннотация

Мақолада бугунги кунда халқаро миқёсда долзарб тус олиб бораётган оилада аёлларга нисбатан зўравонлик масаласи ва бу масаланинг бугунги матбуот нашрларида ҳамда уларнинг интернет-сайтлари орқали берилаётган материаллар таҳлили кўрсатилган. Шунингдек, аёлларнинг оиладаги турли зўравонликлардан ҳимоя қилиниши учун кўрилатилган чора-тадбирлар атрофида муҳокама қилинган.

Аннотация

В статье представлен анализ злободневной в международном масштабе проблемы бытового насилия в отношении женщин и посвященных данной проблеме материалов, опубликованных в периодической печати и размещенных в их интернет-сайтах. Всесторонне обсуждаются меры, принимаемые к защите женщин от насилия в семье.

Annotation

The article deals with the problem of domestic violence against women, which is currently topical and relevant throughout the world and presents an analysis of the work on preventing of this phenomenon. In addition, the measures taken for protection of women from various domestic violence in the family have been thoroughly discussed.

Таянч сўз ва иборалар: аёл, таҳлил, жамият, муаммолар, оила, зўравонлик, ҳаёт, чора-тадбирлар, демократик янгиланиш.

Ключевые слова и выражения: женщина, анализ, общество, проблемы, семья, насилие, жизнь, меры, демократическое обновление.

Keywords and expressions: woman, analysis, society, problems, family, violence, life, measures, democratic renewal.

«Уйдаги зўравонлик», «оиладаги зўравонлик» ёки «маиший зўравонлик» хусусида гап кетганда, одатда, одамлар томонидан оилада кимнингдир жисмоний ва маънавий таҳқирланиши, ҳаттоки яқинлар томонидан етказилган жароҳатлар натижасида ўлим ҳолати, деб тушунилади. Аммо бундай муаммо миқёсини, унинг ҳуқуқий ва бошқа жиҳатларини аниқлаш осон кечмайди.

Кўплаб мамлакатларда ҳозирга қадар оиладаги зўравонликка қарши кураш борасида махсус қонунлар қабул қилинган. Масалан, Испанияда 2004 йилда гендер зўравонлигидан комплекс ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги Органик Қонун қабул қилинган бўлиб, унда оиладаги зўравонликнинг жуда кўп кўринишлари эътироф этилган [1,7б.]. 2006 йилда Бразилияда Мария да Пенья Қонуни қабул қилиниб, унда ҳам

оиладаги зўравонликнинг кўплаб кўринишлари қайд этилган. Ўзбекистонда бундай қонун лойиҳаси устида ҳозирги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолият юритаётган қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари жадал иш олиб бормоқда.

Оиладаги, уйдаги зўравонлик жисмоний, жинсий, руҳий, иқтисодий ва бошқа кўринишларда бўлиб, оила аъзоси (аъзолари)нинг бошқа аъзоси (аъзолари)га қарши қўлланилади. Зўравонлик ўлдириш, жисмоний жароҳат етказиш, кўрқитиш, таҳдид қилиш, ҳақоратлаш, чеклаш, манипуляциялаш, молиявий чеклаш, болалардан фойдаланиш каби кўринишларга эга [1,7б.].

Мутахассис Е.Федуненконинг «Домашнее насилие в России» [2,29б.] мақоласида ҳар йили Россияда 12-14 минг нафар аёл ўз умр йўлдошлари қўлидан нобуд бўлиши ва бу ҳолатлар фақат жисмоний зўравонлик билан боғлиқлиги қайд этилган.

Г.Закирова – ЎзЖОКУ интернет журналистика ва ижтимоий тармоқлар факультети декан ўринбосари, ЎзМУ мустақил тадқиқотчиси.

Муаллифнинг фикрича, зўравонликнинг иқтисодий ва руҳий кўринишлари зўравонлик сифатида умуман тан олинмайди, жинсий зўравонлик ҳақида эса аёллар оғиз ҳам очмайдилар. Шу боис зўравонлик муаммосининг аниқ миқёси ҳанузгача ойдин эмас. Бу маънода Ўзбекистонда ҳам аҳвол яхши эмас, чунки хотин-қизларнинг кўп ҳолларда оилавий муносабатларда зўравонлик қурбонига айланишлари сир эмас ва бу тўғрида аниқ статистика ҳам мавжуд эмас. Шундай бўлса-да, охириги икки йил давомида ушбу мавзу матбуот саҳифаларида тез-тез кўтарилмоқда. Айниқса интернет-нашрлар бунда жонбозлик кўрсатмоқда.

Kun.uz нашрининг “Жаҳонда ҳар йили 14 мингга яқин аёл зўравонлик қурбонига айланмоқда” [3] сарлавҳали мақоласида таъкидланишича, ҳар йили жаҳонда 14 минг нафарга яқин аёл эри ёки яқин қариндоши томонидан ўлдирилмоқда. Зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг 40 фоизига яқини оилаларда содир этилиши аниқланган. Шу сабабли оиладаги зўравонлик замонанинг жиддий муаммоларидан бири экани тан олинади. Бу каби кўриниш маиший зўравонлик, оиладаги зўравонлик, гендер зўравонлиги, деб ҳам аталади.

Оилавий зўравонлик дунёдаги энг кўп тарқалган жиноят саналади. Оилавий зўравонликларнинг 96 фоизда аёллар ва болалар жабр кўради. Зўравонликлар катталар томонидан амалга оширилади, аммо жафосини болалар чекади.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, аёлларни зўравонликлардан ҳимоя қилиш йўлида ҳали кўп иш қилиниши керак бўлади. Лондондаги гигиена ва тропик тиббиёт мактаби ходими Хайди Стекль ва унинг ҳамкасблари сўнгги 20 йилда жаҳоннинг турли мамлакатларида оиладаги зўравонликларни ўрганиб, таҳлил қилишди. Улар 169 мамлакатдаги хотин-қизларнинг ўлими билан боғлиқ 500 мингта ишни ўрганиб чиқишди. Маълум бўлишича, ер юзидаги ҳар еттитадан битта қотиллик оилада юз беради. Шундан 38 фоиздан кўпроғи эркаклар айби билан содир этилади. Аёллар атиги 6 фоиз ҳолларда ўз турмуш ўртоқларини ўлдиргани айтилади. Энг қизиғи, оилавий зўравонликлар энг кўпи Ғарб ва Жануби-Шарқий Осиёдаги иқтисоди

тараққий этган мамлакатларда қайд қилинади. Аёлларга нисбатан оилавий зўравонликлар кўп миқдорда Африка қитъасида ҳам кузатилади. Бу қитъа мамлакатларида аёлларнинг 45,6 фоизи зўравонликдан азият чекади. Европа мамлакатларида бу кўрсаткич ўртача 27,2 фоизни ташкил қилади. Бу, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда аёллар хавфсиз ҳаёт кечириди, деган маънони англатмайди. Юқори даромадга эга мамлакатлардаги аёлларнинг ҳар уч нафаридан бири (32,7 фоизи) ўз ҳаётида бир марта бўлса ҳам зўравонлик билан тўқнаш келади. Бироқ, олимлар бу нисбий кўрсаткич эканини, аслида оилавий зўравонлик асосида юз берадиган қотилликлар анча кўп эканини айтишади. Чунки статистикада ўлим нима асосида юз бергани кўп ҳолларда айтилмайди.

Зўравонликдан азият чеккан аёлларнинг 42 фоизи тан жароҳати олиб, тиббиёт ходимларига ёрдам сўраб мурожаат қилади. Мутахассисларнинг фикрича, зўравонликлар нозик жинс вакилларининг, айниқса ҳомиладор аёлларнинг саломатлигига, руҳиятига жиддий зиён етказиши [3].

БМТ Бош қотибининг 25 ноябрь Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш Халқаро куни муносабати билан йўллаган мурожаатида қуролли тўқнашувлар кечаётган ҳудудларда аёллар турли шакллардаги зўравонликлар: жинсий зўравонлик, қуллик, инсон савдоси қурбонига айланаётгани бутун инсониятни хавотирга солмоқдалигини таъкидлайди. Бундай ваҳшийликлар фақат тасодифан ёки урушлар оқибатида содир бўлаётган ҳолатгина эмас, балки аёл зотининг қадр-қимматини, ҳуқуқ ва эркинликларини тан олмаслик, уларни тобе қилиш, бўйсундириш учун тизимли, мақсадли равишда амалга оширилаётган ҳаракатлар, десак хато бўлмайди.

Ҳозирда урушлардан қочиб, ўз уйларида тарқ этишга мажбур бўлган 60 миллион қочоқларнинг ярмини аёллар ташкил этади. Уруш ва зўравонликлардан қочиб юрган кўплаб аёллар аксарият ҳолларда инсон савдоси билан шуғулланувчи жиноятчиларнинг қўлига тушиб қоляпти, бегона юртларда камситилиб, хўрланяпти. Қочоқ бўлиб,

хавфли йўлларни босиб ўтишга қийналадиган жуда кичик ёки қари, заиф бўлган хотин-қизлар эса уруш бўлаётган ҳудудларда ёлғиз қолдириб кетилмоқда. Ҳаттоки, тинчлик ҳукм сураётган ҳудудларда ҳам аёллар зўравонлик, нафрат, жинсий тажовуз, эрта турмушга узатиш ва бошқа кўплаб турдаги камситиш ва номуносиб муносабатлар қурбони бўлаётганликлари таъкидланади [4].

“Ҳордиқ” газетасида “Хотинни уриш керакми ёки?” [5] сарлавҳали мақола муаллифи оилавий муносабатлардаги таранглик ва низоларнинг олдини олиш учун оила тузилмаси ҳақидаги тушунчаларни бугунги воқелик нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, шунингдек, оиланинг ҳар бир аъзосига назарда тутилган ўз ролини бажариш имкониятини берувчи тушунчалар ва кадриятларни тиклаш зарурлигини билдиради. Унинг фикрича, шариятда оилавий тузилма ўзаро муҳаббат ва раҳм-шафқатга асосланади, унда оиланинг яқдиллиги ва аҳиллиги кўллаб-қувватланади, унинг ўзига хослиги муҳофаза қилинади.

Ислонда оилавий муносабатлар танлаш эркинлигига асосланади: унда мажбурлаш, хўрлаш, қатағон ёки кўпол муносабатларга рози бўлиш шарт қилинмайди; никоҳдаги ҳар бир тараф уни бузиш ёки оилавий муносабатларни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Айниқса, бундай никоҳ зулмга ёки бошқа нохуш нарсаларга сабаб бўлаётган бўлса.

Оила аъзолари ўртасида доим нафрат, низо ва душманлик ҳукм сурганидан кўра, ажралиш афзал бўлиши мумкин. Шундай қилиб, зўрлик ёки жисмоний жазо эр-хотин ўртасидаги муҳаббат руҳини, содиқ бўлишни таъминлаш, ўзаро яқинлик ва бир-бирига бўлган ишончни сақлаб турувчи восита бўла олмайди.

«Келин ҳам одам» ёхуд чегарадан чиқишларга йўл қўймайлик” сарлавҳали [6] мақолада келинга нисбатан ҳаддан ошишлар, унга чўридек муомала қилишлар учраб туриши, уни умуммиллий муаммо сифатида муҳокама қилиш кераклиги таъкидланади. Таҳририят номидан сўз юритаётган мутахассис эрининг қариндошлари томонидан зуғум ва босимлар остида қолган келинларга сўз

бериб, уларга мавжуд ҳолат ечими бўйича маслаҳат қилади:

Чарос, 27 ёш:

“Қайинсинглимни деб ажрашиш оstonасида турибмиз. Эримнинг бир опаси ва бир синглиси бор. Қайин эгачим турмушга чиқиб кетган, феъли жуда яхши, менга сира зиёни тегмайди. Аммо қайинсинглим ҳаётдан тўйдириб юборди. Жуда инжиқ, тантиқ қиз.

Келинлигимнинг илк кунлариёқ кўйлақларимни кийиб кўриб, менга шуниси ёқди, дея индамай иккитасини олиб чиқиб кетганида, лол қолгандим. Аммо бу ҳали ҳолва экан. Тобора унинг зуғумлари ортиб бораверди: эрталаб ухлаб қолса ҳам мен айбдор, йигити билан уришса ҳам аламини мендан олади, акаси тергаса ҳам менга жаҳл қилган. Уйда ҳамма иш менинг зиммамда, ҳатто ич кийимларини ҳам ўзим кўлда ювиб (қимматбаҳо, кир машинада ювманг, дейди), дазмоллаб бераман. Қайнонам доим қизи томон. Неча марта эрим шу синглисининг гапи билан мени дўппослаган. Охирги жанжал телефондан чиқди: ота-онам туғилган кунимга янги телефон совға қилишганди.

Шуни берасиз, деб туриб олди. Мен бу совға, бера олмайман, яхшиси, бола пулларини йиғиб, сизга янгисини олиб бераман десам, жаҳл қилди. Эртасига келин ойим синфдош йигити билан гаплашяпти, деган ёлғон тўқиб акасига чақди. Шу билан қилмаган ишим учун калтак едим. Хўрлигим келиб кетди: на эрим, на оиланинг катталари миқ этишмаяпти.

Менга ишонмагани учун турмуш ўртоғимдан, адолат қилишмагани учун қайнона-қайнотамдан хафа бўлдим ва биринчи марта уйимга кетиб қолдим. Энди у хонадонга боришга юрагим безилляпти”. Келин оиланинг супургисини ҳам сизлаши керак, деган гап бор. Яъни оила аъзоларининг ҳар бирининг, ҳатто у ёш бола бўлса ҳам, ҳурматини жойига қўйиб, хизматини сўз демай бажариши шарт, деган ақида мавжуд. Тўғри, эр ва унинг ота-онаси олдида хизмат қилиш келинлик бурчидир. Оиланинг кичик аъзолари эса келинга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишлари лозим. Келинга ҳурмат унинг эрига, яъни шу оиланинг ўғлига нисбатан ҳам ҳурматдир. Хотинига нисбатан бундай

муносабатни эр талаб қилиши керак, бу билан у баъзилар айтганидек, «хотин қули» бўлиб қолмайди, балки оиласининг тинчлигини таъминлаган, хонадонда адолат мезонининг тошини тенглаб қўйган ҳисобланади. Энди қайин сингилга келсак, ҳозирча қайин сингил сизнинг муаммоингиз, яъни турмушга чиқиб кетгунча. Оилалик бўлгач, бу феъли билан у, аввало, ота-онасига катта бошоғриқ бўлади. Буни оиланинг катталарига тушунтирадиган одам керак, балки ота-онангиз, балки маҳалла хотин-қизлар қўмитаси аралашиб ҳал этишар. Бўй етган қизнинг хулқи маҳаллада муҳокама қилиниши қайнонангиз учун фойдали ечим эмас, қизининг тизгинини тортиб қўяди. Фақат ишни босиқлик билан, жанжалларсиз ҳал қилинг. Оила – сизнинг бахтингиз, уни ҳимоя қилинг, ақл ва тадбир билан, албатта. Бир ёш қизчанинг инжиқликларига оилавий бахтингиз, фарзандингиз келажагини қурбон қилманг

Комила, 24 ёш:

“- Эримнинг қўли югурик, кўп уради. Бир марта мия чайқалиши билан шифохонага ҳам тушдим. Онам кейин уйга олиб кетди, у хонадонга бормайсан, менга сенинг жонинг керак, болаларингга соғлом кераксан, деди. Шифохонада эрим устидан шикоят ёзгандим, аммо кейин қайтариб олдим. Чунки келиб, узр сўраб, ялиниб олиб кетди. Уйда тилла билан кузуклар совға қилди, энди турмуш ўртоғимга ақл кирибди, энди ҳаётим тинч ўтади, деган умид пайдо бўла бошлаганди. Аммо ундай эмас экан. Энди эрим урмас, ҳамма ишни қайнонам ва қайин эгачиларим қилишарди. Мен келин бўлиб тушмасимдан аввал ҳам бу оиладагилар ўзаро зиддиятларни мушт билан ҳал қилиб келишган. Энди бирданига ҳамма менга қарши бирлашди: мени уч қайин эгачим бир бўлиб уришди. Яна шифохонадаман, елка суягим мажақланган, жарроҳлик амалиётини қилиш керак. Олти ойлик чақалоғимни кўкрақдан ажратишга мажбурман, чунки қабул қилаётган доридармонларим унга ёмон таъсир қилиши мумкин. Эрим болага бир қути каша ҳам олиб келмади. Нега бунчалик хўрланаяпман? Боламнинг айби нимада?”

“Оилада эркак томонидан аёлга зўравонлик – катта муаммо. Лекин бало фақат шунда эмас. Юқоридагидек зўравонлик бошқа оила аъзолари томонидан

кўпчилик бўлиб амалга оширилса, бу, аёлнинг жонига жабр. Ахир у она-ку, шу оиланинг наслини давом эттирувчиси! Унинг саломатлиги шу оиланинг манфаати эмасми? Наҳотки, оиладагилар шуни фаҳмлашмаса? Мушт билан муаммоларни ҳал қилиш, очиғини айтганда, ривожланишнинг қайсидир босқичида қолиб кетган инсонларнинг иши. Ақл-идроки бор одам тадбирни, забонни ишга солмайдими? Бировнинг боласига жабр етказиб, кейин Яратгандан бўладиган жазони наҳотки ўйлашмаса? Албатта, ҳозирги келинлар ҳам ўзига яраша, балки тили ўткирдир, балки ишга уқуви йўқдир, ё бошқа айблари бордир. Лекин ёши катта, кўпни кўрган аёлнинг ишни шу йўл билан ҳал этиши, бу – катта муаммо. Бундай оилада фарзанд тарбиялаш қийин. Кейин ҳайрон бўламиз, муштумзўрлар ёки журъатсиз, кўрқоқлар қаердан пайдо бўлаяпти, деб. Бу оиланинг муаммосини маҳалла нозири, фаоллар ҳамда хотин-қизлар қўмитаси билан ҳал этиш керак. Чунки муаммо биргина эрнинг эмас, бутун оила аъзоларининг феълида, одатларида илдиз отиб кетибди. Келинга эса иложи борича тилни ширин қилишни, зиддиятларга аралашмасликни маслаҳат берамиз”.

Ушбу материалда таҳририят вакилининг тасвирланган ҳолатлар бўйича маслаҳатлари баён этилган. Аммо уларни бартараф этиш бўйича жўяли ҳуқуқий жиҳатдан асосланган тавсия кўрсатилмаган.

“Оиладаги ихтилоф жиноятнинг дебочасими...”[7] сарлавҳали мақолада оила узоқ давом этадиган тарихий тараққиёт натижаси эканлиги, одамларнинг ижтимоий жиҳатдан алоҳида уюшган гуруҳлар, маънавий, хўжалик, маиший ва бошқа турмуш шароитлари ҳамда манфаатлари бир хил булган шахслар иттифоқи эканлиги таъкидланади. Оиланинг муҳим вазифаси ота-боболаримизнинг энг яхши анъана ва удумларини давом эттириш, ўғитларига амал қилиб, ёш, соғлом авлодни тарбиялаб камолот топтириш, турмушни мазмунли ўтказиб, уни гўзаллаштириш билан жамиятни мустаҳкамлашдан иборат. Жиноят оламида оиладаги тарбияга боғлиқ муҳим **масала ўз ифодасини билдиради.**

Қатор Интернет нашрлар 2017 йил 5 июнь куни Олий Мажлис Сенатининг мажлисида оилавий зўравонликка қарши кураш тўғрисидаги қонун қабул қилиниши

зарурлиги хусусидаги масала кўриб чиқилгани ҳақида хабар бердилар. Сенатнинг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмита раиси Ботир Матмурадов, фикрига кўра, Ўзбекистонда оилавий зўравонлик долзарб муаммо муаммо бўлгани боис бундай жиноят учун жавобгарликни кучайтириш учун асос бўлди. «Оилавий, маиший муаммолар келинларнинг ўзини ўлдиришгача олиб бориши, уларга оилада нима сабабдан бундай муносабатда бўлишликларини аниқлаш муҳимдир. Амалиётда айрим кимсаларнинг оилада, ишда ва маиший ҳаётда инсонларни таҳқирлашларини кўрамиз, – деди Матмурадов. – Ўзбекистонда оилавий зўравонликка қарши кураш бўйича махсус қонун мавжуд эмас... маъмурий ва жиноий кодексларда ҳам «уйдаги зўравонлик» истилоҳи алоҳида ҳуқуқбузарлик сифатида қайд этилмагани боис у бўйича ажрим ҳам белгиланмайди...Расмий маълумотларга қараганда, 2013-2016 йилларда Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органлари йилига ўзини ўлдиришгача олиб бориш бўйича ўртача ҳисобда 52-53 та жиноий иш кўзғатилади. 2016 йилда 2013 йилга нисбатан бундай ишлар ҳажми 12%га ошган» [8].

“Дугоналар” журнаlining 2019 йил 1 сонида “Дугоналар кўмаги” рукни остида “Муқимликнинг муҳимлигини биласизми?!” сарлавҳали мақолада Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Варзак қишлоғида 1978 йилда туғилган Захро опа Жўраеванинг оғир ҳаёт йўли жуда таъсирли акс эттирилган. Ёш турмуш қуриб, зўравонлик қурбонига айланган бу аёл ёшлигидаги хатолари туфайли икки фарзанди билан кўчада қолгани хусусида ёзилган. Бугунги кунда давлатимиз раҳбаридан, қолаверса, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан кўрсатиладиган ёрдамга муҳтожлигини айтиб ўтган. Бу борада Хотин-қизлар қўмитаси томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган аёлларимизга давлатимиз томонидан арзон уй-жойлар, ишсиз аёлларга эса яшаш манзиллари ёнида янги корхоналар очилиб, бўш иш ўринлари яратилаётгани хусусида фикр билдирилган.

Журналистлар охириги икки йил давомида оиладаги зўравонлик сабабларини ўрганишга ҳам ҳаракат

қилмоқдалар. Масалан, О.Фазилованинг «Ўзбекистонда оиладаги зўравонлик ҳолатлари нима билан боғлиқ: сўз экспертларга»[9] сарлавҳали суҳбатида Жиноий кодексга ушбу муаммо билан боғлиқ ўзгартишлар киритилганини таъкидлаб, оиладаги зўравонлик учун жиноий жавобгарликка тортилиш борасида ўзгаришлар рўй бераётганини қатор мутахассислар мамнуният билан баҳоламоқдалар, деб таъкидлайди. Жумладан, Бухоро вилояти хотин-қизларни ҳимоя қилиш маркази-ННТ раҳбари Мавлуда Салихова ташкилот 17 йилдан буён бу йўналишда фаолият олиб бораётгани, йилига ўртача ҳисобда марказга 500 нафаргача аёл мурожаат этишини гапириб, 2017 йилда илк бор оилавий зўравонлик ҳолати бўйича ўз хотинининг жонига қасд қилишга олиб борган эркакнинг 7 йиллик жазо муддатига тортилганини жамиятимизда жиддий ўзгаришлар юз бераётганининг исботи сифатида баҳолайди. Мутахассиснинг фикрича, амалиётда аксарият ҳолатларда зўравонлик эркаклар агрессияси билан боғлиқлиги, хотини майда камчиликлари учун эри томонидан калтакланиши кузатилади. Кўп ҳолларда бунга оиланинг бошқа аъзолари ҳам аралашуви кузатилади.

Суҳбат давомида зўравонлик жараёни асосан минтақаларда 25-50 ёш атрофидаги оиласини таъминлай олмаётган эркаклар ташкил этиши, яна баъзи ҳолларда моддий жиҳатдан таъминланган оила вакили, аммо табиатида зўравонликка мойиллиги мавжуд эркаклар ҳам бу тоифага кириши қайд этилган.

Интернет-нашрлар оиладаги зўравонлик вазиятлари юзага келганида қандай ёрдам кўрсатилиши борасида ҳам материаллар бериб борадилар. Масалан, З.Рузметованинг “Вазият: уйдаги зўравонлик ҳақида нималарни биламиз?”[10] сарлавҳали мақоласида оиладаги зўравонлик ҳар бир мамлакат ва ҳар бир миллат маконида юз бериши мумкинлиги, 2014 йилда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан дунёда аёлларнинг 30 фоизи зўравонлик қурбонига айланаётганини, 110 та мамлакатда зўравонликка қарши курашга қаратилган махсус қонунларнинг йўқлиги эътироф этилади.

Материалда рухий зўравонлик аломатлари сифатида таҳқирлаш, қўрқитиш, товламачилик кўрсатилган. Масалан, Европа мамлакатлари ва АҚШда руҳшунос ва юристлар «калтакланган хотин синдроми» тушунчасини қўллайдилар. Бунда оиладаги зўравонлик қурбони ўзини хавфсиз ҳис этмай, уни хафа қилганларга тажовуз қилиб, оғир жароҳатлар етказди, ҳатто ўлдиради ҳам. Оиладаги зўравонлик иқтисодий мазмунга ҳам эга бўлиши мумкин: бунда қурбоннинг барча пуллари олиб қўйилади ва шу тариқа у молиявий мустақилликдан маҳрум этилади.

Зўравонлик жараёнида бир одам бошқаларни турли мазмунда эзиб, уларни ўз назоратида ушлаб туради. Зўравонлик циклик мазмунга: авж олиши ва сукут босқичларига эга. Социолог ва руҳшунослар қурбон ҳам, таъқиб қилувчи ҳам ўхшаш сифатларга эга. Ўз оиласи томонидан зулм кўрган одамларнинг ўзи кўп ҳолларда золимга айланади. Улар зўравонликни кузатганлар ва бунда яқин одамлар ўртасидаги муносабат қандай бўлишини яхши ўрганганлар. Бундай одамлар уйдан ташқарида осуда, илтифотли, ҳатто жозибали кўринадилар, уйда эса золимга айланадилар.

“Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқлари: давлат нима дейди?» [11] деб номланган таҳлилий мақолада anhor.uz нашри Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018

йил 7 февралда ўтказган йиғилишда “хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиланган. Ўтган йилларда бу соҳада салмоқли ишлар амалга оширилди, бироқ хотин-қизлар манфаатларини амалга оширишнинг самарали механизми яратилмади. Хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари йиллар давомида фақат турли тадбирлар ва йиғилишлар ўтказиш билан чекландилар, оғир ижтимоий вазиятга тушган оилалар, аёллар ва қизларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича самарали ишлар олиб бормадилар. Бунинг оқибатида жойларда кўплаб муаммолар тўпланиб қолган бўлиб, уларни ҳал этиш учун аниқ манзилли чоралар кўрилмади”, деган баҳо берди.

Бу тадбир оила институтини мустақамлашга бағишланганди. Шунингдек, эрта турмуш қуриш, ажралишлар ва хотин-қизлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ишлар олиб борилмаётгани қайд этилди. Интернет нашрининг таъкидлашича, қизлар ва аёллар жинсий зўравонлик, маиший зулм қурбони бўлмоқдалар. Anhor.uz мақолада АҚШ Давлат департаментининг “2016 йилда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари тўғрисида”ги маърузасидан ҳавола келтиради.

Адабиётлар:

1. Домашнее насилие по законодательству зарубежных стран. Ответственность и превенция. Коллектив авторов. – М.: Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве РФ, 2013.
2. Федуненко Е. Домашнее насилие в России. // Огонёк, 2015, №33.
3. Тўлаганов Ш. Жаҳонда ҳар йили 14 мингга яқин аёл зўравонлик қурбонига айланмоқда. <https://kun.uz/news/2016/03/25/tadqiqot-jahonda-har-yili-14-mingga-yaqin-ayol-zoravonlik-qurboniga-aylanmoqda> 2016, 25 март.
4. БМТ Бош котибининг Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш халқаро куни муносабати билан йўллаган мурожаати <http://www.un.org/uzb/news/display/92>. 2015, 25 декабрь.
5. Хотинни уриш керакми ёки? <http://hordiq.uz>. 2016, 10 июль.
6. Тўрахўжаева Ш. Келин ҳам одам ёхуд чегарадан чиқишларга йўл қўймайлик <http://www.ayol.uz/kelin-ham-odam-yoxud-chegaradan-chiqishlarga-yo-l-qo-ymaylik-k/> 2018, 9 январь.
7. Кетмонов И. Оиладаги ихтилоф жиноятнинг дебочасими <http://www.andijoniib.uz/news/oiladagi-ihtilof-jinoyatning-debochasimi/> 2017, 6 март.
8. Бердиев Х. В Сенате указали на необходимость принятия закона против домашнего насилия. <http://podrobno.uz/cat/politic/> 2017, 5 июнь.
9. Фазылова О. С чем связано домашнее насилие в Узбекистане: слово экспертам. <http://darakchi.uz/ru/40709/> 2017, 26 декабрь.
10. Рузметова З. Ситуация: что мы знаем о домашнем насилии?. <http://vot.uz/article/> 2016, 31 май.
11. Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқлари: давлат нима дейди? <https://anhor.uz/uz/mi/2018>, 18 апрель.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор).